

## Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (темир йўл транспорти) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" (темир йўл транспорти) мутахассислиги бу "Иқтисодиёт" йўналишининг асосий соҳасидир. Бу мутахассисликда таълим олган бакалавр талабалари "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ таркибидаги корхоналарида бухгалтер ва ички аудитор бўлиб фаолият юритишлари учун университетда темир йўл транспортида бухгалтерия ҳисобини юритиш қонун қоидалари, бюджет билан ҳисоб-китоблар, темир йўл транспортига оид корхоналарнинг ўзаро ҳисоб-китоблари, темир йўл транспортида аудит, темир йўл транспорти молиясини ташкил этиш манбалари, солиқ ва солиққа тортиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишади .



**Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар**

"Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" (темир йўл транспорти) мутахассислиги битирувчилари "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тассаруфидаги барча корхоналарида фаолият юритадила

**Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?**

Молия бўлинмаларнинг бошлиғи, бош бухгалтерлар, етакчи бухгалтерлар, ички аудиторлар

## Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (Автомобиль транспорти) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, автомобиль транспорти корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларни хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, хўжалик маблағлари ва уларни келиб чиқиш манбаларини тўғри жойлаштириш, замонавий усул ва услублардан фойдаланиб бошланғич ҳужжатларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ишини юритиш шаклини белгилаш, корхона ҳужжатларининг айланишини ташкил этиб, улардан самарали фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ва уларнинг ҳолати юзасидан назорат қилиш, ички аудитни ўтказиш ва хулосаларини аудиторлик этикасига мос равишда тақдим этиш, молиялаштириш манбаларини топиш ва йўналтиришдан иборат бўлиб, корхоналарни молиявий ҳисоботларини прогрессив технология ва электрон дастурлардан фойдаланган ҳолда белгиланган муддатда мулкдорларни манфаатини ҳисобга олиб ўз вақтида тақдим этишга йўналтирилган усуллар ва воситалар мажмуини қамраб олади.



**Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар**

Ушбу таълим йўналиши битирувчилари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги қошидаги автомобиль транспорти корхона ва ташкилотлари, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ, логистика марказлари, консалтинг ва аудиторлик хизмати корхоналари, турли мулкчилик шаклидаги автотранспорт корхоналарида ва уй хўжалиги бюджетини шакллантириш ва ишлатишда самарали фаолият юритишлари мумкин.

**Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?**

Таълим йўналиши битирувчилари бухгалтер, иқтисодчи-бухгалтер, молиячи, офис-менеджер, молия менеджери, тижорат директори, кэш-флоу менеджери, консалтинг ва аудиторлик хизмати бўйича мутахассис лавозимида ишлашлари мумкин.